

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВ ХУРШИД АКРАМОВИЧ

ҚИЙНОҚҚА СОЛИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ
ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология.
Жиноят-ижроия ҳуқуқи ихтисослиги.

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Каримов Хуршид Акрамович

Қийноққа солишнинг жиноят-хуқуқий ва криминологик жиҳатлари.....3

Karimov Khurshid Akramovich

Criminal-legal and criminological aspects of torture.....21

Каримов Хуршид Акрамович

Уголовно-правовые и криминологические аспекты пыток.....35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Yu22.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВ ХУРШИД АКРАМОВИЧ

**ҚИЙНОҚҚА СОЛИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ
ВА КРИМИНОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**12.00.08 – Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология.
Жиноят-ижроия ҳуқуқи ихтисослиги.**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1 PhD/Үу16 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим тармоғи порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пулатов Бахтиёр Халилович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мирзаев Азиз Алишерович
юридик фанлар доктори, доцент

Мухторов Нодиржон Илхомжонович
юридик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Үу22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил 14 июнь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48; e-mail:info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (877 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш. А.Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2019 йил 30 майда тарқатилди.

(2019 йил «30» майдаги 1-рақамли реестр баённомаси).

Н.С.Салаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, доцент

Б.Т.Мусаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Г.З. Тўлаганова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда халқаро ҳамжамият, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан давлатларнинг қийноқнинг олдини олиш борасидаги мажбуриятларини бажариши, шахсни таҳқирловчи ва инсоний кадр-қимматни камситувчи муомаладан ҳимоя қилишни самарали ташкил этиши зарурлиги мунтазам муҳокама қилинади. 1984 йил 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенцияси қабул қилинганлиги, бугунги кунда ушбу конвенцияга 166 давлатнинг¹ қўшилганлиги, уларнинг ҳар тўрт йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қийноқларга қарши қўмитасига ҳисобот бериши қийноққа қарши курашишнинг нафақат халқаро ҳамжамият, балки алоҳида давлат учун ҳам нақадар долзарб эканлигини кўрсатади.

Жаҳонда қийноққа солганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаш, қийноқнинг сабабларини ва унга имкон берган шароитларни бартараф этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа давлат органлари ходимлари томонидан шахснинг жисмоний ва руҳий дахлсизлигини ҳимоя қилишга оид ҳуқуқларини таъминлаш, қийноққа солиш жиноятларини тўғри квалификация қилиш ва унинг учун жавобгарликни такомиллаштириш, қийноққа солишни тақиқлашга оид халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш бўйича тадқиқотлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Республикамизда шахс дахлсизлигини ҳимоя қилишнинг конституциявий ҳуқуқий асослари яратилган бўлиб, инсоннинг энг муҳим шахсий ҳуқуқларидан бўлган руҳий ва жисмоний дахлсизлигига оид конституциявий нормалар ижросини таъминлаш, қийноққа солганлик учун жавобгарликни кучайтириш бўйича чара-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назаридан, «суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш ва либераллаштириш, алоҳида жиноий қилмишларни декриминаллаштириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тартибини инсонпарварлаштириш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш»² суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, бу соҳани тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни (2014), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Суд-

¹ <https://treaties.un.org>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

тергов фаолиятида фукарларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2017), «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги (2019) Фармонлари, «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори (2018) ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантиришнинг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда қийноққа солиш ва унинг олдини олиш масалалари мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Унинг айрим жиҳатлари мамлакатимиз олимларидан Ғ.А.Абдумажидов, М.Х.Рустамбоев, Б.Х.Пўлатов, Қ.Р.Абдурасулова, Б.Ж.Ахраров, З.Х.Гулямов, З.Ф.Иноғомжонова, Р.Кабулов, Ш.Бердиев, Н.Салаев, А.Отажонов, Ф.Тохиров, С.Ниёзова, Ж.И.Сафаров ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

Хорижий мамлакатларда М.Дженис, Р.Кэй, Э.Брэдди, Д.Скотт (Англия), С.Риза (АҚШ) К.Жиффар (Буюк Британия), П.Тепиналар (Буюк Британия) томонидан ўрганилган.

МДҲга аъзо мамлакатларда Ю.М.Антонян, Р.А.Базаров, В.Г.Бужор, Л.Д.Гаухман, И.В.Дворянсков, Т.Кадышева, П.Кривошеин, В.Н.Кудрявцев, О.Ю.Михайлова, А.В.Наумов, Л.В.Сердюк, Ю.И.Стецовский, А.А.Тер-Акопов, С.Ширинский, Н.В.Борисенкова, Г.Ю.Гладких, Л.К.Лосицкая, Р.С.Чабанян, В.Д.Гончаренколар илмий ишларида қийноққа солишнинг айрим жиҳатларини ³ тадқиқ этган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишлари масаланинг умумий жиҳатларига бағишланган бўлиб, қийноққа солишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларига оид қонун нормалари самарадорлигини оширишга комплекс ёндашилмаган. Шу сабабли мазкур масалани комплекс тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Тошкент давлат юридик университетининг илмий тадқиқотлар режасига киритилган ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва уни қўллаш амалиётини такомиллаштириш муаммолари», «Глобаллашув шароитида жиноятчиликка қарши курашни такомиллаштириш муаммолари», «Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш ва жиноят қонунини либераллаштириш

³ Ушбу олимлар асарлари фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

шароитида жазо тизимини ислоҳ қилиш муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади қийноққа солишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларини ўрганиш, қийноққа солганлик учун жавобгарликни кучайтириш, мазкур жиноятнинг олдини олишни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қийноққа солиш тушунчаси ҳамда унинг ижтимоий хавфли қилмиш сифатида тақиқланишининг назарий-ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш асосида қийноққа солишнинг моҳиятини очиқ берувчи таърифни ишлаб чиқиш;

қийноққа солишнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазо турларидан ҳамда зўрлик ишлатишдан фарқли жиҳатларини аниқлаш, уларга тавсиф бериш;

айрим хорижий мамлакатлар қонунларидаги қийноққа солганлик учун жавобгарликнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида қийноққа солганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

қийноққа солишнинг объектив ва субъектив белгиларини аниқлаш, уларга тавсиф бериш;

қийноққа солишнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, унинг олдини олиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти қийноққа солиш билан боғлиқ жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқот предмети қийноққа солиш учун жавобгарлик белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти ҳамда юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда тарихий, тизимли-тузилмавий, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қийноққа солганлик учун асосий жазо билан бирга, қўшимча жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни киритиш зарурлиги асослаб берилган;

маъмурий қамоққа олинган шахс ҳам қийноқ жабрланувчиси бўлиши мумкинлиги исботланган;

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қийноққа солганлик учун ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг белгиланганлиги мақсадга мувофиқ эмаслиги асослаб берилган;

қийноққа солиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ёки бошқа давлат органи ходимининг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан содир этилиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

қийноққа солишнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни

камситувчи муомала ҳамда жазо турларидан фарқ қилиши асослаб берилган;

Жиноят кодексига бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш учун жавобгарликни назарда тутувчи алоҳида жиноят таркибини киритиш таклифи асосланган;

шахснинг қийноққа солиш билан боғлиқ жинояти мансабдорлик жиноятлари билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмаслиги асосланган;

қийноққа солиш руҳий азоблаш йўли билан ҳам содир этилиши мумкинлигидан келиб чиқиб, қийноқдан жабрланганларни аниқлашда нафақат суд тиббий, балки суд-психиатрик ва суд-психологик экспертизаларини ўтказиш зарурлиги асосланган;

қийноққа солишнинг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг малакасини ошириш дастурларига қийноққа солганлик учун жавобгарликка оид ўқув машғулотлари киритиш зарурлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, қонунни қўллаш амалиёти, социологик тадқиқотларнинг анкета, интервью ва эксперт баҳолаш шаклларига асосланган, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган таклифлар тергов ва суд амалиётида ушбу жиноятларни тўғри квалификация қилишга хизмат қилади. Тадқиқот натижасидаги олинган амалий хулосалар, жиноят қонунини такомиллаштириш бўйича таклифлардан қонун ижодкорлиги жараёнида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг қонунни қўллаш амалиётида, юридик олий таълим ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг малакасини ошириш муассасаларининг ўқув жараёнида, жиноят ҳуқуқи, криминология, инсон ҳуқуқлари модулларини ва ўрганилган муаммога оид бошқа ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти қонун ижодкорлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини яхшилашда, юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида қўлланилишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қийноққа солишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари мавзусидаги тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Жиноят кодексидаги қийноққа солганлик учун асосий жазо билан бирга қўшимча жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишнинг киритилиши ҳақидаги таклиф Жиноят кодексининг 235-моддасининг биринчи ва иккинчи

қисмлари санкциясига муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо киритилишида инобатга олинган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 18 июлдаги 557-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши қийноққа солганлик учун жавобгарликка тортилган шахсларни қайта шундай жиноят содир этишларининг олдини олишга хизмат қилади;

қийноқдан нафақат жиноят процесси иштирокчилари, балки маъмурий камоққа олинган шахс ҳам жабрланувчи бўлиши мумкинлиги ҳақидаги таклиф Жиноят кодексининг 235-моддасининг диспозициясига маъмурий камоққа олинган шахснинг киритилишида инобатга олинган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 18 июлдаги 557-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши қийноқдан жабр кўриши мумкин бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга хизмат қилади;

қийноққа солиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ёки бошқа давлат органи ходимининг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан содир этилиши мумкинлиги ҳақидаги таклиф ЖКнинг 235-моддаси биринчи қисми диспозициясига киритилишида инобатга олинган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 18 июлдаги 557-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилинганлиги қийноққа солганлик учун айбдор шахсларнинг қилмишини тўғри квалификация қилинишига хизмат қилади;

Жиноят кодексига қийноққа солганлик учун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси белгиланиши мақсадга номувофиқлиги ва бу жазонинг мазкур жиноят учун жавобгарлик белгиланган 235-модда биринчи қисми санкциясидаги ахлоқ тузатиш ишлари жазосини бекор қилинишида инобатга олинган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2018 йил 18 июлдаги 557-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши қийноққа солганлиги учун жавобгарликка тортилган шахсларга одилона жазо тайинланишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 7 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 15 та илмий мақола (2 таси хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириши** (докторлик диссертацияси аннотацияси)да тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Қийноққа солиш учун жавобгарликнинг умумий тавсифи»** деб номланган биринчи бобда қийноққа солиш тушунчаси таҳлил қилинган, унинг ижтимоий хавfli қилмиш сифатида тақиқланишига доир назарий-ҳуқуқий қарашлар ўрганилган.

Ишда қийноққа солишнинг юзага келиши ва уни тақиқлашнинг тарихий босқичлари ёритилган. Жумладан, қадимда қийноққа солишнинг қатор давлатлар қонунларида мустаҳкамланганлиги қайд этилиб, қуйидаги хулосага келинган:

биринчидан, далил тўплаш инсоннинг руҳий ва жисмоний дахлсизлиги, унинг кадр-қимматидан устун қўйилган;

иккинчидан, жиноят процессида далил тўплашнинг самарали усуллари ўйлаб топилмаган;

учинчидан, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ғоялар қонунда мустаҳкамланмаган,

тўртинчидан, инсонга қийноқ қўлланилиши натижасида иқрорлик кўрсатуви олинганлиги натижасида жиноят фош этилган ёки айбсиз шахс жавобгарликка тортилган.

Ушбу бобда қийноққа солишга доир халқаро ҳужжатларда белгиланган қийноққа солишга оид талаблар таҳлил қилинган.

Шунингдек, диссертацияда қийноқнинг қуйидаги белгилари ажратилган:

1) кўрқитиш, уриш, дўппослаш, азоб бериш йўли билан ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида шахсга жисмоний, руҳий ёки психологик зўрлик ишлатиш орқали амалга оширилиши;

2) шахсни бирор-бир ҳаракатни содир этишга мажбурлаш мақсадида қасдан содир этилиши (жумладан, бирор-бир ахборот олиш, жиноят содир этганлигига иқрорлик кўрсатуви олиш);

3) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органининг ходими томонидан (махсус субъект) ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар

томонидан (умумий субъект) ҳам содир этилиши мумкин.

Қилинган таҳлиллар асосида қийноққа солиш тушунчасига қуйидагича таъриф ишлаб чиқилган: «Қийноққа солиш – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органи ходими томонидан ёхуд уларнинг индамай берган розилиги билан, хабардорлигида ёхуд далолатчилигида бошқа шахс томонидан ҳар қандай шахсдан ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ёхуд бошқа шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун иқрорлик кўрсатувини олиш, бирор-бир ахборот олиш, бирор-бир хатти-ҳаракатни содир этиш ёки содир этишдан ўзини тийиш мақсади билан кўрқитиш, камситиш, шунингдек психологик, жисмоний ёхуд руҳий босим кўрсатиши натижасида **шахсга** кучли руҳий азоб ёки жисмоний оғриқ етказиш».

Ишда қийноққа солишни бекор қилиш ва уни криминализация қилишнинг ижтимоий зарурати қуйидагиларда акс этган:

биринчидан, қийноқ натижасида шахс табиий ҳуқуқлари, яъни руҳий ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи бузилган, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ғоялар кенг ривожланиши натижасида давлатлар қийноқни босқичма-босқич бекор қилишган.

иккинчидан, қийноқ натижасида жиноят очилган ёки айбсиз киши жавобгарликка тортилган. Бу эса адолатсизликка олиб келган. Натижада кейинчалик, тергов ва судда жисмоний ёки руҳий азоб бериш орқали далил тўплаш ғайриқонуний деб топилишига оид нормалар яратилганлиги билан асосланган.

Бундан ташқари, мазкур бобда қийноққа солишнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларидан фарқли жиҳатлари, жиноят қонунчилигидаги ва жиноятчиликка қарши курашишда кўп қўлланиладиган зўрлик ишлатиш тушунчасига аниқлик киритилган.

Тадқиқотчининг хулосасига кўра, қийноққа солишда жабрланувчига қийноқ қўлланилган вақтдан бошлаб кучли азоб ёки оғриқ етказилади. Аммо «бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турлари» қўлланилган вақтда дарҳол кучли оғриқ ёки азоб етказмайди. Лекин бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларининг узлуксиз давом этиши қийноқ сифатида баҳоланиши мумкин.

Узоқ муддат овқат бермаслик, узоқ муддат уйқудан маҳрум этиш, узоқ муддат баланд овозда мусиқа қўйиш гарчи дастлабки вақтда ғайриинсоний шафқатсиз муомала сифатида баҳолансада, аммо мазкур қилмишнинг тўхтовсиз давом этиши қийноқ сифатида баҳоланиши мумкин.

Ғайриинсоний муомала ва жазолашнинг барча турлари жабрланувчига оғриқ ва азоб-уқубатлар етказилади. Улар жисмоний оғриқ етказиш билан бир қаторда организмнинг нормал фаолиятини издан чиқариши, маънавий азоб-уқубатларга гирифтор этиши оқибатида жабрланувчини муайян сезгилардан маҳрум қилиши ёки унинг табиий хатти-ҳаракатларини чеклаши ҳам,

етказилган оғриқ ёки азоб-уқубатлар натижасида унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бироқ фақат қийноққа солиш мазкур оқибатларнинг жабрланувчи учун ўта хавфлилиги билан ажралиб туради. Яъни қийноқ шафқатсиз, инсонийликка зид ва кадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазолашнинг оғир шакли сифатида эътироф этилган. Зўрлик ишлатишни эса, қийноқни амалга ошириш шакли сифатида тушуниш мумкин.

Тадқиқотчи мазкур бобда халқаро ҳуқуқ нормалари, МДХга аъзо давлатлар ва ривожланган бошқа хорижий давлатларнинг қонун ҳужжатларида қийноққа солганлик учун белгиланган жиноий жавобгарлик масаласини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига асосан жабрланувчилар доираси чегараланган деган хулосага келган. Яъни Жиноят кодексининг 235-моддасида белгиланган жиноят жабрланувчилари сифатида фақат маъмурий қамоққа олинган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, жабрланувчи, жиноят процессининг бошқа иштирокчиси, жазони ўтаётган маҳкум, уларнинг яқин қариндошларидан ташқари, ушбу жиноят жабрланувчилари сифатида яқин қариндош бўлмаган шахслар, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар, терговга қадар текширувда иштирок этаётган шахслар ҳам бўлиши мумкинлиги асосланган ва ЖКнинг 235-моддаси биринчи қисмига «маъмурий қамоққа олинган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, гувоҳ, жабрланувчи, жиноят процессининг бошқа иштирокчиси, жазони ўтаётган маҳкум, уларнинг яқин қариндошлари» сўзлари ўрнига «ҳар қандай шахсдан» жумласи киритилиши мақсадга мувофиқлиги исботланган.

БМТ томонидан қабул қилинган Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенцияси ва хорижий мамлакатлар қонунчилиги таҳлилидан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 235-моддаси номланишини «Қийноққа солиш» деб номлаш ҳамда ЖКнинг 235-моддаси 1-қисми диспозициясидаги «қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш» жумласини «қийноққа солиш» деб ўзгартириш ҳамда ЖКни «Шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш» деб номланган янги 235¹-модда билан тўлдириш таклиф этилган.

Диссертациянинг «**Қийноққа солишнинг юридик таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида қийноққа солишнинг объекти, объектив томони, субъекти, субъектив томони, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар, квалификация қилиш масалалари атрофлича таҳлил қилинган. Жумладан, унда қийноққа солишнинг объекти бўйича қуйидаги хулосалар чиқарилган: умумий объект – ЖК 2-моддасида қайд этилган шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар, махсус объект – шахс дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар; турдош объект – шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматини муҳофаза қилувчи ижтимоий

муносабатлар; бевосита асосий объекти қийноққа солинган шахснинг жисмоний ва рухий дахлсизлигини ҳимояловчи ижтимоий муносабатлар. Бевосита кўшимча объект – одил судлов тартибини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотчи мазкур бобда Жиноят кодексининг 235-моддаси одил судловга қарши қаратилган жиноятлар бобига жойлашган бўлсада, мазкур жиноятнинг хусусияти «Шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятлар» бобига тааллуқли деган хулосага келган.

Молдавия Жиноят кодексида қийноққа солиш «Шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши жиноятлар» бобига киритилган бўлса, Грузия ЖКда қийноққа солиш жинояти «инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноятлар» бобига киритилган. Қирғизистон Республикаси Жиноят кодексида соғлиққа қарши қаратилган жиноятлар бобига киритилган. Франция, Канада жиноят қонунчилигида ҳам қийноққа солиш шахсга қарши қаратилган жиноят сифатида белгиланган.

Жиноят кодексининг 235-моддасига кўра, ушбу жиноятдан жабрланувчи сифатида фақат маъмурий қамоққа олинган шахс, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, маҳкум, гувоҳ, жабрланувчи, жиноят процессининг бошқа иштирокчиси ёхуд уларнинг яқин қариндошлари бўлиши мумкин. Тадқиқотчи томонидан юқоридаги жиноятнинг жабрланувчилар доираси чегараланганлиги исботланган.

ЖК 235-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари формал таркибли бўлиб, жисмоний, психологик ёки рухий босим ўтказилган вақтдан бошлаб тугалланган ҳисобланади. Ушбу жиноятнинг учинчи қисми моддий таркибли жиноят ҳисобланади. Яъни баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлиши талаб этилади.

Тадқиқотчи томонидан қийноққа солиш натижасида эҳтиётсизлик оқибатида жабрланувчининг ўлими ҳолати келиб чиқиши мумкинлигидан келиб, Жиноят кодексининг 235-моддаси учинчи қисмига “эҳтиётсизлик оқибатида жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса” жумласини киритиш таклиф этилган.

Объектив томондан ушбу жиноят бевосита қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, шахснинг кадр-қимматини камситувчи муомала ва жазо турларини қўллаш ҳаракатларидан бирини содир этиш орқали амалга оширилади.

Объектив томондан жиноят бевосита кўрқитиш, уриш, дўппослаш, қийнаш, азоб бериш ёки қонунга хилоф бошқа ҳаракатлар воситасида содир этиш натижасида қонунга хилоф равишда жисмоний, психологик ёки рухий таъсир кўрсатилади.

Ушбу жиноят объектив томонининг факультатив белгилари жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатларида бевосита назарда тутилганда зарурий белги сифатида қилмишни квалификация қилишда таъсир қилиши асосланган.

Шафқатсизлик қийноққа солишни зўрлик ишлатишнинг бошқа турларидан фарқлаш имконини беради. Инсоннинг қўллари ёки оёқларини боғлаб қўйиш ҳам зўрлик ишлатиш ҳисобланади, бироқ у шафқатсизлик эмас. Айти пайтда қийноққа солишни шафқатсизликнинг бошқа жиноий кўринишларидан, масалан, қийнашдан оқибатига кўра ҳам ажратиш мумкин. Қийнашда юзага келадиган оқибат баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, қийнаш сифатида квалификация қилинмаслиги асосланган.

Қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаганлик учун Жиноят кодексининг 17-моддасига мувофиқ 18 ёшга тўлган шахс жавобгарликка тортилиши мумкин. Аммо ЖК 235-моддасида назарда тутилган жиноят субъекти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ёки бошқа давлат органи ходими томонидан ёхуд унинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан ҳам содир этилиши мумкин.

2018 йилнинг 4 апрель, яъни ЖКнинг 235-моддасига ўзгартириш киритилгунга қадар қийноққа солиш жиноятининг субъекти фақат махсус субъект: суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органининг, жазони ижро этиш муассасасининг бошқа ходимлари ҳисобланар ва жиноятнинг субъекти ўн саккиз ёш этиб белгиланган эди. Аммо ЖКнинг 235-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардан сўнг, мазкур жиноятнинг субъекти нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки давлат органи ходимлари балки бошқа шахслар ҳам бўлиши мумкинлиги белгиланиб, жиноятнинг субъектлари доираси кенгайтирилди.

Тадқиқотчи жиноят субъектлари доирасининг кенгайиши ушбу жиноятлар учун субъект ёшининг ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этишини, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими қийноққа солишни ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс билан биргаликда содир этганида ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсни Жиноят кодексининг 235-моддаси билан жавобгарликка тортиб бўлмаслигини, аммо унинг қилмишида бошқа жиноят таркиби бўлса ва ўша жиноят учун жавобгарликка тортилиши асослаган.

Тадқиқотчининг хулосаларига кўра, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг субъекти махсус ёки у билан бирга умумий субъект бўлиши мумкин. Қийноқ натижасида нафақат жисмоний оғрик, балки руҳий ёки психологик азоб етказилиши мумкин. Жисмоний, психологик ва руҳий азоб-уқубатлар ўртасидаги фарқни аниқлаш учун уларнинг оғирлик даражасига кўра суд-тиббий экспертиза билан бир қаторда суд-психиатрик ҳамда суд-психологик экспертизалари ўтказиш керак. Руҳий шикаст даражаси экспертиза орқали аниқлаш имкони бўлганда, квалификацияга таъсир қилувчи ҳолат сифатида баҳоланади.

Диссертациянинг «Қийноққа солишнинг криминологик тавсифи» деб номланган учинчи бобида қийноққа солишнинг сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар атрофлича таҳлил қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитасига БМТнинг Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенцияси ижроси юзасидан тақдим этилган 4-даврий ҳисоботида 2008-2011 йилларда қийноқ жабрланувчиларининг ўртача ёши 25 ёшдан 45 ёшгача бўлганлиги кўрсатилган. Мазкур рақамлар вояга етмаганлар ва кексаларни қийноқдан жабр кўрмаганлигидан далолат беради. Демак, қийноқ жабрланувчиларини ҳимоялаш, уларни касбга йўналтириш, реабилитациясини мазкур ёш тоифаларидан келиб чиқиб амалга ошириш лозим бўлиши қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг Қийноқларга қарши қўмитасига тақдим этган 5-даврий маърузасига кўра, судлар томонидан 2014 йилда қийноққа солиш (ЖКнинг 235-моддаси) билан боғлиқ 11 та жиноят иши кўрилиб, 14 нафар шахс озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган, 2015 йилда 14 та кўрилган жиноят иши бўйича судланган 29 нафар шахснинг 13 таси озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган, 2016 йилда кўрилган 20 та жиноят иши бўйича судланган 21 нафар шахснинг 4 нафари озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. 2017 йилнинг биринчи чорагида 5 та жиноят иши кўрилиб, 8 нафар шахснинг 4 нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

2017 йил якуни бўйича 13 та жиноят иши бўйича 28 нафар шахснинг 17 нафари озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинган. 3 нафари ахлоқ тузатиш ишлари, 2 нафар шахсга озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

2018 йилда Жиноят кодексининг 235-моддаси билан айбланган 1 нафар шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Қийноққа оид жиноятларни келиб чиқиш сабаблари ва уни содир этиш ҳолатлари таҳлил қилинган суд ҳукмларида қийноққа солиш терговга қадар текширув ва тергов даврида жиноятга иқдорлик ҳақида кўрсатув беришга мажбурлаш, ўзбошимчалик билан жазолаш, кадр-қимматини камситиш мақсадида содир этилганлик ҳолатлари ҳам аниқланди.

Тадқиқотчи томонидан қийноққа солишнинг олдини олиш доир масалалар, Ўзбекистон Республикасининг БМТнинг Қийноққа қарши қўмитасига тақдим этган даврий маърузалари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг 2018 йилда жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини мониторинг қилиш натижалари таҳлили ўрганилган.

Қийноққа солиш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишига бир қатор омиллар сабаб бўлади: Масалан, шахснинг психологик ҳолати барқарор эмаслиги, психологик ҳолат барқарорлиги уни зўрлик ишлатиш ва шафқатсиз муносабатда бўлишининг олдини олишга хизмат қилади.

Психологик барқарорликнинг бузилишига эса, иш жараёнидаги юқори босим (масалан, жиноятни узоқ вақт фош этилмаслиги, узоқ вақт дам олмасдан ишлаш, жиноятни фош этмаганлик учун жазоланиш ва бошқалар) таъсир қилиши мумкин. Айбдор шахсга нисбатан нафрат ва уни ўзбошимчалик билан жазолаш, қийноққа солиш жиноятини содир этган шахснинг жиноятни фош этиш, сўроқ қилишнинг самарали усулларидан фойдаланилмаслиги ёки мазкур усуллари билмаслиги, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини тан олмаслик ва уларга жиноятчи сифатида баҳо бериш, қонунларни менсимаслик, жазосиз қолиш кайфияти, исботлаш жараёнининг мураккаблиги ва бошқалар.

Тадқиқотчи мазкур бобда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари малакасини ошириш дастурларига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусан, қийноққа солганлик учун жавобгарликка оид махсус дарс машғулотлари киритиш, қийноққа солиш билан боғлиқ ҳолатларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, хусусан, журналистларга вақтинча сақлаш, тергов ҳибсхоналари, маъмурий қамоққа олинган шахслар сақланадиган махсус қабулхона, жазони ижро этиш муассасаларидан кўрсатувлар тайёрлаш учун кенг шароитлар яратиш; қийноқ содир этганлик учун жазо чораларини кучайтириш ҳамда мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш, жазони ижро этиш муассасаларида ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш ва маҳкумлар учун интернет орқали таълим порталларидан фойдаланиш имкониятларини яратиш каби хулосаларга келган.

Тадқиқотчи томонидан Жиноят кодексининг инсонпарварлик принципини жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги ҳақидаги норма билан тўлдириш таклифи билдирилган.

Тадқиқ этилаётган жиноятларнинг олдини олиш чораларини кучайтириш мақсадида қийноққа солганлик учун энг оғир жазо сифатида жазо санкциясини ўн беш йилгача муддатга узайтириш хорижий мамлакатлар қонунчилигидаги жазо санкциялари таҳлили асосида асослантирилган.

Тадқиқотчи қийноқнинг олдини олиш бўйича миллий механизмларни такомиллаштириш мақсадида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг Котибият тузилмасида Вакилнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича фаолиятига кўмаклашувчи сектори томонидан қийноқ ҳолатлари юзасидан тарқатилган ахборотларни текшириш ва тегишли хулосаларни эълон қилиш, вақтинча сақлаш, тергов ҳибсхоналари, маъмурий қамоққа олинган шахслар сақланадиган махсус қабулхона, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар билан даврий равишда аноним сўровномалар ўтказиш

амалиётини жорий этиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш яхши натижалар беради, деган фикрни илгари сурган.

ХУЛОСА

Қийноққа солишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатларига бағишланган диссертация тадқиқоти натижасида умумназарий хулосалар, жиноят қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш, қонунни қўллаш амалиётини яхшилашга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

1. Тарихда айрим давлатлар томонидан жиноят ишлари кўрилишида, суд жараёнида қийноқдан далилларни тўплаш усули сифатида фойдаланилганлиги, бу эса инсон ҳуқуқларига беписандлик, умуман олганда, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги ғоялар ривожланмаганлигидан далолат беради.

2. Инсон ҳуқуқлари бутун дунёда олий қадрият сифатида тан олиниб, уларни асраш ва муҳофаза қилиш бўйича босқичма-босқич халқаро ҳуқуқ нормалари ривожланиб бориши натижасида халқаро ҳуқуқ ва миллий давлатлар қонунчилиги даражасида ҳеч ким қийноққа ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ва жазога дучор этилмаслиги кераклиги мустаҳкамланди.

3. Қийноқ тушунчаси ҳамда инсон кадр-қимматини камситувчи шафқатсиз муомала ва ғайриинсоний жазо турлари бир биридан фарқ қилувчи мустақил тушунчалардир. Жумладан, қийноққа солиш мустақил жиноят бўлса, инсон кадр-қимматини камситувчи шафқатсиз муомала ва ғайриинсоний жазо турларини қўллаш ҳам алоҳида жиноят таркиби ҳисобланади. Бундан ташқари, инсон кадр-қимматини камситувчи шафқатсиз муомала ва ғайриинсоний жазо турлари жиноят содир этиш усули сифатида ҳам намоён бўлади.

4. Қийноққа солиш нафақат жисмоний куч ишлатиш, балки руҳий таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилиши натижасида баданга шикаст етказилмаслиги ҳам мумкин (масалан, электр токи, кучли товуш, узоқ муддат уйқудан маҳрум қилиш, кўрқитиш ва ҳ.к. билан қийноққа солиш).

5. «Қийноққа солиш – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органи ходими томонидан ёхуд уларнинг индамай берган розилиги билан, хабардорлигида ёхуд далолатчилигида бошқа шахс томонидан ҳар қандай шахсдан ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ёхуд бошқа шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун иқрорлик кўрсатувини олиш, бирор-бир ахборот олиш, бирор-бир хатти-ҳаракатни содир этиш ёки содир этишдан ўзини тийиш мақсади билан кўрқитиш, камситиш, шунингдек, психологик, жисмоний ёхуд руҳий босим кўрсатиши натижасида шахсга кучли руҳий азоб ёки жисмоний оғриқ етказиш».

6. Зўрлик ишлатиш деганда шахсга унинг хоҳиш-иродасига зид равишда, онгли тарзда, унга ғайриқонуний жисмоний, психологик ёки руҳий зўрлик ўтказиш тушунилади. Руҳий зўрлик инсон руҳиятига

таъсир қилади. Инсоннинг кадр-қимматини камситиш, у билан шафқатсиз муомала қилиш кабилар тушунилади. Психологик зўрлик шахснинг эмоционал ҳолати бузилишига олиб келади, ўз ҳаракатларини англаш ва қарор қабул қилиш эркинлигига таъсир қилади. Масалан, шахсга мунтазам равишда унинг жиноятчи эканлиги такрорланаверади, уни содир этмаган жиноятида содир этганлиги айтилади. Шахс бундай ҳолатда ўзини ҳақиқатда ҳам жиноят содир этганман деб ҳисоблайди. Мазкур ҳолатни психологик зўрлик натижаси дейиш мумкин.

7. Қийноққа солиш жиноятининг асосий объекти қийноққа солинган шахснинг руҳий ва жисмоний дахлсизлиги, соғлиғи, унинг шаъни ва кадр-қимматидир. Факультатив объект одил судлов манфаати ҳисобланади. Қийноққа солиш жиноятининг субъекти нафақат махсус, балки махсус субъект иштирокида умумий субъект ҳам бўлиши мумкин.

8. Қийноқ натижасида етказилган руҳий азоб даражасини аниқлаш учун суд-тиббий экспертиза билан бир қаторда суд-психиатрик ҳамда суд-психологик экспертизалари ўтказиш керак.

9. Қийноққа солиш шахс томонидан одоб-ахлоқ нормасининг бузилиши натижасида юзага келади. Шу сабабли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларнинг малакасини ошириш масалаларига алоҳида урғу берилиши лозим. Авваламбор, ходимнинг касбий тайёргарлигини ошириш, жиноятчиликка қарши курашда замонавий инфорацион технологиялардан кенг фойдаланиш, ходимларнинг замонавий ҳуқуқий билимга эга бўлишлари таъминланиши лозим.

10. Инсон кадр-қимматини ҳурмат қилиш ва унга риоя этмаслик натижасида жамиятда юз бериши мумкин бўлган салбий ҳолатларни оммавий ахборот воситаларида атрофлича ёритиш ҳамда келажакда бундай ҳолатларнинг юзага келишига имконият яратаётган сабаб ва шароитларни бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни кенг жамоатчиликка етказиш.

11. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (омбудсман)нинг Котибият тузилмасида Вакилнинг қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашнинг олдини олиш бўйича фаолиятига кўмаклашувчи сектори томонидан қийноқ ҳолатлари юзасидан тарқатилган ахборотларни текшириш ва тегишли хулосаларни эълон қилиш, вақтинча сақлаш, тергов ҳибсхоналари, маъмурий қамоққа олинган шахслар сақланадиган махсус қабулхона, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар билан даврий равишда аноним сўровномалар ўтказиш амалиётини жорий этиш.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексини такомиллаштириши бўйича таклифлар

12. Жиноят кодекси 7-моддасининг 1-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

«жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид ёки кадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди».

**13. Жиноят кодекси 235-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш:
235-модда. «Қийноққа солиш».**

«Қийноққа солиш – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ёки бошқа давлат органи ходими томонидан ёхуд уларнинг индамай берган розилиги билан, хабардорлигида ёхуд далолатчилигида бошқа шахс томонидан ҳар қандай шахсдан ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ёхуд бошқа шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик учун иқрорлик кўрсатувини олиш, бирор-бир ахборот олиш, бирор бир хатти ҳаракатни содир этиш ёки содир этишдан ўзини тийиш мақсади билан кўрқитиш, камситиш, шунингдек психологик, жисмоний ёхуд руҳий босим кўрсатиши натижасида шахсга кучли руҳий азоб ёки жисмоний оғриқ етказиш».

14. Жиноят кодекси 235-моддасининг 2-қисми «д» бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

д) кекса шахсга ёки **о**жиз аҳволдаги шахсга, вояга етмаган шахсга ёхуд ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

15. Жиноят кодекси 235-моддасининг 3-қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга, ёки эҳтиётсизлик оқибатида жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса;

16. Жиноят кодекси 235-моддасининг 3-қисми санкциясини қуйидаги таҳрирда баён этиш:

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, етти йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

17. Жиноят кодексини қуйидаги мазмундаги 235¹-модда билан тўлдириш.

«шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш»

«Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ёки бошқа давлат органи ходими томонидан ёки уларнинг далолатчилигида ёки хабардорлигида ёхуд индамай берган розилиги билан бошқа шахслар томонидан шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазо турларини қўллаб қасддан жисмоний оғриқ ёки руҳий азоб етказиш».

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади

Ўша ҳаракатлар:

а) ҳаёт ва соғлиқ учун хавфли бўлган зўрликни қўллаган ҳолда ёхуд шундай зўрликни қўллаш таҳдиди билан;

б) миллий, ирқий, диний ёки ижтимоий камситиш замирига асосланган ҳар қандай сабаб бўйича;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан;

г) такроран;

д) кекса шахсга ёки ожиз аҳволдаги шахсга, вояга етмаган шахсга ёхуд ҳомиладорлиги айбдорга аён бўлган аёлга нисбатан;

е) икки ёки ундан ортиқ шахсга нисбатан;

ж) ҳаётга ва соғлиққа зарар етказиши мумкин бўлган ашёлар қўлланилиб;

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар баданга оғир шикаст етказилишига, бошқа оғир оқибатларга ёхуд эҳтиётсизлик оқибатида жабрланувчининг ўлимига сабаб бўлса, —

Муайян ҳуқуқдан маҳрум этиб, беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING OF THE SCIENTIFIC DEGREES
DSc.27.06.2017.Yu22.01 AT TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**
TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

KARIMOV KHURSHID AKRAMOVICH

**CRIMINAL-LEGAL AND CRIMINOLOGICAL
ASPECTS OF TORTURE**

**12.00.08 – Criminal law. Prevention of offences. Criminology.
Criminal-executive law.**

**DOCTORAL (PhD) DISSERTATION ABSTRACT
ON LEGAL SCIENCES**

Tashkent – 2019

The theme of the doctoral dissertation (PhD) was registered at the Supreme Attestation Commission under the cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2017.1 PhD/Yu16.

The dissertation is prepared at Tashkent State University of Law.

The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, English and Russian (summary)) on the website of the Scientific Council (www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash) and Information educational portal "ZiyoNET" (www.ziyo.net).

Supervisor: **Pulatov Bakhtiyor Khalilovich**
Doctor of Science in Law, professor

Official opponents: **Mirzaev Aziz Alisherovich**
Doctor of Science in Law, associate professor

Mukhtorov Nodirjon Ilkhomjonovich
Candidate of Law

Leading organization: **The Academy of the Ministry of Internal Affairs**

The defense of the dissertation will be held on June 14, 2019 at 14:00 at the Session of the Scientific Council DSc.27.06.2017.Yu22.01 at Tashkent State University of Law (Address: 100047, Saylgoh street, 35, Tashkent city. Phone: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

The doctoral dissertation is available at the Information Resource Center of Tashkent State University of Law (registered under № 877). (Address: 100047, Saylgoh street, 35, Tashkent city. Phone: (99871) 233-66-36).

The abstract of the dissertation submitted on May 30, 2019.

(Registry protocol № 1, on May 30, 2019).

N.S. Salaev
Chairman of the Scientific Council for awarding
scientific degrees, Doctor of Science in Law,
Associate Professor

B.T. Musaev
Secretary of the Scientific Council for awarding
scientific degrees, Doctor of Philosophy in Law
(PhD)

G.Z. Tulaganova
Chairwoman of the Scientific Seminar for awarding
scientific degrees, Doctor of Science in Law,
Professor

INTRODUCTION (Abstract of the PhD dissertation)

The actuality and relevance of the dissertation theme. Fulfillment of the obligations undertaken by States in the prevention of torture as well as the need to effectively protect persons from humiliating and degrading treatment is permanently discussed in the world by the international community, including the United Nations. On December 10, 1984, the UN adopted a Convention against torture and other cruel, inhuman or degrading treatment or punishment. Today 166 countries⁴ participate in the convention and these states report to the UN Committee against Torture every four years on torture prevention. This states that the fight against torture is important for the international community as well as for every country.

A special attention is given to research the following aspects of torture (in the world): to establish criminal liability for torture, to prevent torture, its causes and preconditions, to ensure the safeguard of physical and mental integrity of person by law enforcement and other state bodies, to ensure the proper qualification of crimes related to torture, to strengthen the liability for its commitment, and to enhance the implementation of international standards on prohibition of torture in national legislation.

The constitutional legal framework for the protection of inviolability of the person is established in our country. In addition, a number of measures are taken to ensure the implementation of the constitutional norms on the psychological and physical inviolability of the person (which are the most important human rights), and to determine criminal liability for torture in criminal law. From this point of view, “ensuring the guarantees of the protection of the rights and freedoms of citizens in the activity of courts, law enforcement and other controlling bodies, improvement and liberalization of the criminal and criminal procedure legislation, decriminalization of some criminal offences, humanization of criminal punishments and their execution, strengthening the effectiveness of coordinating the activities of combating corruption and preventing offenses”⁵ is a priority for the development of the judicial system, thus it is significantly subject to research.

The research work serves to some extent to fulfill the related tasks specified in the following legal acts: the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan (1994), the Law of the Republic of Uzbekistan “On the prevention of offences” (2014), the Presidential Decrees “On the Strategy of further development of the Republic of Uzbekistan” (2017), “On additional measures to strengthen the guarantees of citizens’ rights and freedoms in judicial activity”

⁴ <https://treaties.un.org>

⁵ Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated February 7, 2017 “On the Strategy for the Further Development of the Republic of Uzbekistan” No. UP-4947 // Collection of the legislation of the Republic of Uzbekistan, 2017, No. 6, Article 70.

(2017), the State program for the implementation of the Strategy of actions for the five priority areas of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 in the year of “Active Investment and Social Development” (2019), the Presidential Decree “On measures to cardinally improve the system of criminal and criminal procedure legislation” (2018) and other statutory acts.

The connection of the research with the priority directions of the development of science and technology of the republic. This research work is carried out in conformity with the development of science and technology in the Republic of Uzbekistan I. The priority direction of spiritual-moral and cultural development of democratic and legal society, formation of an innovative economy.

Research degree of the problem. In our country, the crime of torture and its prevention issues have not fully been studied as an independent research. Some of its features are studied in the works of G.A.Abdumajidov, M.X.Rustamboev, B.Kh.Pulatov, Z.F.Inogomjonova, R.Kabulov, Q.R.Abdurasulova, N.S.Salaev, B.J.Akhrarov, Z.Kh.Gulyamov, Sh.Berdiev, S.Niyazova, A.Otajonov, J.I.Safarov, F.Tokhirov and others.

The peculiarities of the topic in foreign countries are studied by M.Dgenis, R.Key, E.Bradley, D.Skott (England), S. Riza (USA) K.Jiffar (Great Britain), and P.Tepina (UK).

In CIS countries, Yu.M.Antonyan, R.A.Bazarov, V.G.Bujor, L.D.Gaukhman, I.V.Dvoryanskov, T.Kadysheva, P.Krivoshein, V.N.Kudryavtsev, O.Yu.Mikhaylova, A.B.Naumov, L.V.Serdyuk, Yu.I.Stetsovskiy, A.A.Ter-Akopov, S.Shirinskiy. N.V.Borisenkova, G.Yu.Gladkix, L.K.Lositskaya, R.S.Chabanyan, V.D.Goncharenko conducted research on some aspects of torture.

